

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.АКБАРОВ	
Ҳайнрих Ҳайненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида	83
ТИЛШУНОСЛИК	
А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ	
Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларида бири	88
М.РАСУЛОВА, И.ҚУЧҚАРОВ	
Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили	91
Ҳ.ЗАКИРОВА	
Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини	94
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Б.УМУРЗАҚОВА	
Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари	97
А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ	
Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортининг назарий асослари	100
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
М.НАЗАРОВ	
Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида	103
Ш.ЖУМАНИЯЗОВ	
Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангтасвир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси	105
А.АБДУХАЛИМОВ	
Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари	109
И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА	
Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни	112
А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА	
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли	114
С.СОДИҚОВ	
Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови	116
А.САБИРДИНОВ	
Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар	119
Д.ХУСЕНОВА	
Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар	121
В.ГИЁСОВА	
Эртанинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матнининг кўринишларидан бири сифатида	124
М.ШОКИРОВА	
“Спорт” семали бирликлар хусусида	127
А.АСИМОВ	
Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишда инновацион ғоялардан фойдаланиш	129
Д.ҚАМБАРОВА	
Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати	133
Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА	
Болалар фольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентрик таҳлили	135
М.ДИЛБАРЖОНОВА	
Тахаллус ва лақабларнинг қўлланилиши хусусида	138
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПУЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА	
Тасвирий санъат машғулотида орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципининг назарияси ва методикаси	140
Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ	
Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги	142
М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ	
Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишнинг жадал усули	145
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	147

УДК: 8-1/-9+808.03

ҲАЙНРИХ ҲАЙНЕНИНГ “ҚАРАҒАЙ” ШЕЪРИ ВА УНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ ҲАҚИДА

А.Ақбаров

Аннотация

Мақолада буюк немис шоири Ҳайнрих Ҳайненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида сўз боради. Мазкур шеър севишганлар ҳақида эмас, унда жамиятдан мосуво бўлган, ёлғиз, чорасиз қарағайнинг оғир аҳволи кенг қиёсий таҳлил қилинади.

Аннотация

В статье речь идет о стихотворении великого немецкого поэта Генриха Гейне «Сосна» и о его переводах. В сопоставлении анализируется вопрос о том, что данное стихотворение не о любви, а о сосне, отдаленной от общества, одинокой, находящейся в безвыходном положении.

Annotation

In this article the famous German poet H. Hayne's poem “Pine-tree” and its translations are highlighted. This poem is not about sweet hearts rather about single helpless pine-tree's difficult situation is analyzed comparatively.

Таянч сўз ва иборалар: таржима, маъшуқа, танҳо, қоятош, висол, муаммо, муаллиф концепцияси, персонаж, ҳолат, ёввойи шимол, ридо, рад этилган севги, лирик қаҳрамон, фуқаролик ҳуқуқи, тизимли ёндашув, ички ва ташқи қатлам.

Ключевые слова и выражения: перевод, возлюбленная, одинокий, скала, встреча, проблема, концепция автора, персонаж, положение, дикий север, риза, неразделенная любовь, лирический герой, гражданское право, системный подход, внутренний и внешний пласт.

Keywords and expressions: translation, lady-love, single, rock, appointment, problem, author, concept, character, situation, wild north, chasuble, rejected love, lyric hero, civil right, structure approach, inner and external layer.

Жаҳон шеърияти даҳоларидан бири, буюк немис шоири Ҳ. Ҳайненинг таваллудига 2017 йил 13 декабрда 220 йил тўлди. Шоирнинг 1827 йили чоп этилган “Қўшиқлар китоби” уни дунёга машҳур қилди. Китобда жой олган 250 та шеър, бир қарашда жуда ҳам оддий ва асли мураккаб, аянчли ва дилбар шеърий манзаралари кишининг нозик ва нодир қалб торларини чертадиган нуқталардир. Муҳаббат изтиробини ва эҳтирос ила кўнгилдан ситиб чиққан, қалбни ларзага келтирадиган ва унда гавҳардай ўрнашадиган шеърлар кўнгил кўзини мафтун этади, юракда муқаддас оғриқдай михланиб қолади. Айрим шеърлари эса чуқур ижтимоий ва фалсафий маънога эга.

Ана шундай шеърлардан бири “Қўшиқлар китоби”нинг “Лирик интермеццо” (“Lyrisches Intermezzo”) туркумида № 33-рақам остидаги шоирнинг машҳур шеъри “Қарағай” (“Ein Fichtenbaum”) дир. Бу мўъжаз саккиз мисрадан иборат шеър Ҳайне таржимасига қўл урган ёки “гейнеизм”, “гейнемания” таъсирига тушган барча рус шоир-таржимонларининг эътиборини тортган. Қизиқарли ҳолат, мазкур шеър 1885 йилгача рус тилига 39 марта таржима қилиниб, 77 марта мусиқа бастанланган [1.4]. Ҳозир бу шеърга бастанланган мусиқа сони юзтадан

ошган. “Қарағай” шеърини М.Лермонтов, Ф.Тютчев, А.Фет,

Л.Майков, П.Вейнберг, Д.О.Куликовский, В.Гиппиус, М.Михайлов, Л.Уманец, И.Павлов, Т.Хархур, А.Корсаров кабилар ва, ҳатто, физиолог В.Павлов ҳам рус тилига таржима қилганлар[4]. Ўзбек тилига эса шеърни Миртемир, Абдулла Шер, Сафо Очил, Маҳмуд Тоштемиров, Шухратхон Имяминовалар ўгиришган.

Бироқ, нима учундир Ҳайне асарларининг русча нашрларига доим М.Лермонтовнинг таржимаси киритилади. Бу шеърни шоир князь Вяземский илтимосига кўра 1841 йилнинг баҳор ойида шошилич таржима қилган, тўрт ойдан сўнг у дуэлда ҳалок бўлган. Шоирнинг ҳалок бўлганлигига эллик йил тўлиши муносабати билан 1891 йили буюк рус мўъжам устаси И.И.Шишкин ўзининг машҳур асари “На севере диком...” ни яратиб, шеър мазмунини рангларда ажойиб тасвирлаб берди. Қуйидаги шеър таржиманинг иккинчи вариантдир, чунки шеър таржимасининг биринчи варианты ҳам бор.

Сосна

На севере диком стоит одиноко,
На голой вершине сосна.
И дремлет, качаясь, снегом сыпучим,
Одета, как ризой, она.

А.Ақбаров – ФарДУ факультетлараро чет тиллар кафедраси, педагогика фанлари номзоди.

*И снится ей все, что в пустыне далекой-
В том крае, где солнца восход,
Одна и грустна на утесе горючем
Прекрасная пальма растет [2.19].*

“Сабаби, шоир руҳини таржимада ҳеч бир таржимон шоир М.Лермонтовчалик бера олмаган, бироқ, шунга қарамай, у шеър мазмунини тўлиқ акс эттира олмаган, бунга сабаб род категорияси туғдирган мушкулликдир”, деб таъкидлайди Ғ.Саломов ўзининг “Таржима назариясига кириш” ўқув қўлланмасида [3,198]. “Ein Fichtenbaum” (“Қарағай”) шеъри ҳақидаги мулоҳазаларида Ғ.Саломов Эргаш Муҳаммедовнинг “Генрих Гейне ўзбек тилида” (1973) мавзусидаги илмий ишига тўлиқ асосланади.

“Рус адабиётида бадий таржимада род категорияси туғдирадиган мушкулликни акс эттирувчи маълум ва машҳур бир мисол бор. У немис шоири Генрих Гейненинг “Қарағай ва пальма” номли шеърда ўз маъшуқаси пальмадан абадий жудо бўлган ошиқ Қарағай тасвирланган. Немис тилида қарағай дарахтини билдирувчи иккита сўз бор: бири женский родда-die Fichte, иккинчиси эса мужской родда-der Fichtenbaum. Узоқ шимолдаги қоя тошлар устида танҳо қолган ошиқ “дер Фихтенбаум” ўз маъшуқаси “дий Пальме”нинг висолига етишиш орзусида оҳ уради,”деб ёзади Ғ.Саломов ва давом этади: “Бу ажойиб шеърни рус тилига ўғирар экан, М.Лермонтов олдида яна бир муаммо турар эди; рус тилида сосна (қарағай) сўзи ҳам, пальма ҳам женский роддадир. Демак, бу икки сўз йигит ва қиз образини ўзида мужассамлаштира олмайди. Шу сабабли М.Лермонтов таржимасида шеърнинг мазмуни анча ўзгарган; ошиқ-маъшуқлар ўрнини дугоналар муҳаббати, улар ўртасидаги ҳижрон азоби эгаллаган”[3].

“... Ёввойи шимолда ...“ шеърининг рус тилида ғалати таржималари пайдо бўлган” 3.198]. М. Лермонтов бу шеър аслиятини моҳирлик ва ўта усталлик билан рус тилига силлиқ ўғирганки, уни Ҳайне лирикаси таъсиридаги мустақил аслий шеър, деб айтиш мумкин. Бироқ, шеър устида кўп ишлагани, уни гўзал таржимага айлантирганига қарамасдан муаллиф концепциясидан узоқлашиб кетган[1].

Ҳайне сўзларни жуда эҳтиёткорлик билан ишлатган, биронта ортиқча сўз йўқ. Ҳар бир сўз ҳайратланарли маънога эга. Лермонтовда эса бунинг акси, эпитетлар жуда кўп: дикий, качаясь, сыпучий, далекий, горючий кабилар.

Род категорияси масаласига келсак, Михаил Юрьевич “Сосна”ни женский родда қолдираверган, мужской родга ўзгартирмаган, чунки шеърда персонаж битта, ҳолат иккита[9]. Бироқ, кўп ҳолатларда шеърнинг номи “Қарағай ва Пальма” деб юритилади. Ҳайне шеърини “Ein Fichtenbaum” деб номлаган. Немис тилидаги “ein” ноаниқ артикли “бир” деган маънони англатади. Шу нуқтаи назардан шеърни “Қарағай ва пальма” эмас, “Қарағай”, деб номлаш тўғри бўлади. Автор Қарағай ва Пальмани бир-бирига қарама-қарши қўймоқчи эмас, аксинча, шимолда ва шарқда бўлишидан қатъий назар, бу иккала ҳолатда ҳам бу дунёда ёлғизликни ҳис қилишларига олиб келади. Қарағай ва Пальма жинсига қарамасдан, жамиятдан мосуво бўлган, ёлғизликка ҳукм қилинган “ортиқча” одамлар, севишган дугоналар эмас. Ольга Славянка соснани женский роддалигини билса-да, барибир сосна унга эркак кишидек туюлишини айтади. “...таржима уни ўқий оладиган, тушунадиган ва муносиб баҳолашга қурби етадиган халқ учун яратилади[3].”

Таржимадаги “диком” (дикий) сўзи, биринчидан, аслиятда йўқ бўлиб, М.Лермонтов томонидан қўлланилган ва бу сўз деярли кейинги барча таржималарга кўчиб ўтган. Масалан, “на дикой скале” (Ф.Тютчев), “ёввойи шимол” (А.Шер), “wild north” (D. Smirnov-Sadovsky, Cherry Crush) қарангки, инглиз тилида ҳам “ёввойи шимол” (“ваҳший шимол”) дейиш даражасига етган. Ваҳоланки, “ёввойи” сўзи шеърнинг аслиятида йўқ, оддий “шимолда” (“Im Norden”) сўзи бор. Иккинчидан, “качаясь” – “тебраниб”, “чайқалиб” (А.Шер), “чулғанмишдир” (Миртемир), “she sways” (Cherry Crush), “it sways” (D.Smirnov-Sadovsky), “качается”(А.Энгельке) шаклида ифодаланган. Аслида Қарағай тебрангани йўқ, муз ва қор исканжасида қимирлашнинг иложи йўқ. Учинчидан, аслиятда муз ва қор билан қопланган “оқ чойшабдек” дегани “одета, как ризой, она” (Лермонтов), “ридо кийгандай” (А.Шер), “оқ кафан мисол” (Миртемир), “оқ чойшабда”(М.Тоштемиров), “оппоқ кўрпада” (А.Акбаров), “инистая мгла” (Тютчев), “покрытый и снежным и ледяным ковром” (Фет), “a mantle” (D.Smirnov-Sadovsky), “clothing” (Cherry Crush), французчада “monteau blanc” – “оқ пальто” деб ўғирилган.

Шеър “Ein Fichtenbaum”, яъни “Қарағай” деб номланган. Қарағай – бу, Ҳайне. Шеър аслияти шуни кўрсатиб турибди. Ҳайне ридо киймаган, ридо кийган диндорларни ёмон кўрган, ёқтирмаган. Буёғи қандай бўлди?

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ҳайнега ридо кийгизиб қўйсаки? Буни тушуниб етган А. Шер шеърнинг қайта таржимасида “ридо”ни ечиб, “қор қировдан оққа бурканиб”, деб тўғрилаб қўйди. Ф.Тютчев эса “риза” ўрнига “туманли қиров” деб, А.Фет “муз ва қор билан қопланган гилам”, Миртемир домла “оқ кафан”, яъни ўсиб тик турганига қарамай, қарағайни “оқ кафан”га ўраб қўйди. Француз вариантыда “оқ пальто”, деб ўгирилган. “Оқ кафан” билан “оқ пальто”нинг фарқи борми? Бор, кафан мурданинг либоси, пальто эса тирик одам киядиган кийим. Қарағай–лирик қахрамон, у ҳаёт, уни кафанга ўраб қўйсақ қандай бўлади? Тассавур қилиб кўринг, қарағай оқ кафанда тик турибди, агар чайқалиб турса, қандай бўлади? Худди мистик фильмлардагидек! Мантиқсизлик ҳам эви билан-да!

Шоир табиатан табиатга ошно эди. Унинг шеърларида гуллар, қушлар, сув, булоқ, денгиз, тоғ, дарахтлар ва осмон ёритқичлари кенг тараннум этилган. “Оғриган дилга” буларнинг ҳаммаси ҳамдард ва малҳам бўларди. Шеърга Қарағай номини бергани ҳам бежиз эмас. Шеър саккиз мисрадан иборат, олти мисраси қарағайга, икки мисраси эса пальмага тегишли.

Ein Fichtenbaum

Ein Fichtenbaum steht einsam

Im Norden auf kahler Höh.

Ihn schläfert: mit weißer Decke

Umhüllen ihn Eis und Schnee.

Er träumt von einer Palme,

Die, fern im Morgenland.

Einsam und schweigend trauert

Auf brennender Felsenwand [5.41].

Қарағайнинг ёзилган вақти 1822 йилга тўғри келади. Бунгача Ҳайне ҳаётида оғир, жиддий, чидаб бўлмайдиган ҳодисалар юз берди. Амакисининг қизи Амалияни севди, севгиси рад этилди. Французлар юртларига қайтиб кетганларидан кейин Пруссия ҳукумати яҳудийлардан фуқаролик ҳуқуқини олиб қўйди. Ридо кийган диндорлар, рицар ва князларнинг халқ устидан тазийқ ва зулми кучайди. Зулм юқори даражага кўтарилди, чўққига чиқди. Қарағайшимолда, ёлғиз ўзи, тоғ чўққисидаги тақир қояда, музу қор исканжасида, демакки, унинг қимирлашга имкони қолмади. Уни қор оппоқ чойшабдек қамраб олди. Қарағай Ёлғизлик! Айрилиқ! Танҳолик! Соғинч! Бечоралик! Бошпанасизлик! Ватангадолик! Ғам! Қайғу! Ташвиш! Куйиш! Жабр! Жафо! Дард! Изтироб! Умидсизлик! Жамиятдан Мосуво бўлиб қолиш! Тушкунлик! Охир-оқибатда, АЛАМЗАДАЛИК! домида қолди. Das

Unglück kommt nicht allein! Ҳеч қандай нажот йўқ! Қарағай ўйга толди. Унинг хаёлига иссиқ ўлка, Яқин Шарқ, ота-боболар яшаган юрт – Фаластин (Иерусалим) келди [9]. Мундоқ қараса, Пальма танҳо, унсиз тош устида дунёга тарқалиб кетган яҳудийлар тақдирини ўйлаб, ғам-ғусса чекиб ўтирибди, ғам-ташвишнинг зўрлигидан оёғининг остидаги тош ҳам чўғдек қизиб кетган. Ҳеч қандай нажот йўқ! Қарағай кўрсаки, у ерда ҳам аҳвол танг. Айтадилар-ку: “Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу”.

Энди фақат Яратганнинг ўзига илтижо қилиб, қилинган гуноҳлар учун тавба қилиш, кутишгина қолди. Бошқа шеърларда айтилганидек, май, баҳор, илиқлик ва қуёш нурлари, гуллар очилиб, яхши кунлар келгунча сабр қилишга тўғри келади. Ана шунда муз ва қорлар эрийди, Қарағай асирликдан қутулиб, яшнаб-яйраб ўса бошлайди. Бироқ, қачон? Қарағай шу кунларга етармикин?

Ғап қарағай ҳақида экан, уни бир кўз олдимишга келтирайлик-чи! Қарағай совуққа чидамли, қомати тик, келишган, тоғда ўсадиган нина баргли дарахт. Шимолда, тоғ чўққисидаги тақир қояда музу қордан бошқа ҳеч вақо йўқ, танҳо бир ўзи ўсиб турибди, ҳатто атрофда тошлар ҳам йўқ. Ваҳоланки, тошлар орасида, деб ҳам айтилади [3.198]. Агар тошлар бўлганида, бироз далда бўлармиди? Бироқ, у оппоқ чойшаб остида, муз ва қорлар исканжасида мудрамоқда. Шеърдаги “муз” сўзи ҳолатнинг узоқ давом этаётганини, яъни қор ёғди, эриди ва музлади ва бу ҳолат кўп марта такрорланди. Муз қарағайнинг қилт этишига имкон бермай қўйди. Ана энди бир кўз олдимишга келтирайлик, бечора лирик қахрамон қандай қилиб маъшуқаси ҳақида “оҳ” урсин! [3.198] Унинг кўзига жонини сақлаш кўринади, қарағай шунга мажбур, севги эса кейин. Оқ чойшабдек қалин муз ва қор остида қандай интим ўй бўлсин! У муз қурти эмас-ку! Ишқ-муҳаббат учун ҳам мос ва хос шароит зарур! Ҳатто, қушлар ҳам кунлар илишини кутишади, совуқда эса хурпайишиб, кўзлари йилтиллаб, жуфтлашишга пайт пойлашади, бевақт сайрашмайди, бемақсад ҳаракат қилишмайди. Қарағайни эса қилт этишга, оғзини қимирлатишнинг иложи йўқ. Бироқ, у тирик! Нажотсизлик чўққига чиқди. У фақат ўйлаши, хаёл қилиши мумкин, ҳаракатлана олмайди, агарда буни истаса ҳам, чунки у фақат руҳий ва биологик имкониятга эга, холос. Гарчи шеър таржималарида Қарағайнинг тушига киради, деб таржима қилинган бўлса ҳам. Ана энди унинг хаёлига

Пальма келди. У “олтин”[6] ёки “сеҳрли”[7] тушлар кўра олмайди. Бу совуқда ухлаш амри маҳол, шунинг учун хаёлига келди, иссиқ жойни орзу қилди, дейиш анча ҳақиқатга яқин, чунки совуқдан нажот иссиқ. “Träumen” феълнинг иккинчи маъноси ана шундай. Пальма Қарағайнинг маъшуқаси эмас, у севгилиси ҳақида “оҳ-воҳ” қилмайди. Осиёда Ҳайненинг ҳеч қандай севгилиси бўлмаган, у бу ерларга келмаган ҳам. Шу мулоҳазадан келиб чиқиб, бизда мазкур шеър йигит ва қиз муҳаббати ҳақида эмас дейишга асос бор. Чунки шеър оҳанги ҳам суст, ланж [4]. М.Лермонтов шеърдаги фожиа оҳангини таржиммага кўчира олмаган, аксинча, завқ ва шавққа тўлдириб қўйган [1]. Интимга ҳеч қандай ишора йўқ: ўттиз беш сўз, тўртта нуқта, бир вергул ва бир-икки нуқтадан иборат саккиз қатор шеър, холос. Бироқ, олам-олам маъно бор улкан асар[4]. “Фожиа” шеърининг тақризчиси Виллибальд Алексис: “Шу саккиз қатор шеър учун бутун китобни ёқтиришга тайёрман”, деганди.

Шеър марказида ижтимоий масала турибди, Ҳайне ҳодисалар юз бераётган жойларни очиқ айта олмаган. Чунки, ўша даврда Германияда яҳудийларнинг аҳволи ночор, фуқаролик ҳуқуқлари йўқ, ҳар томонлама сиқувда ва тазйиқ остида эдилар. Шунинг учун ота-боболар юрти – Иерусалим ҳақида очиқ айта олмас, Пальма эса дунёга тарқалиб кетган яҳудийлар, “истиқомат қилган” ва “йўқотилган юрт”нинг рамзи эди. Шу пайтгача мавжуд бўлган таржималарнинг ҳаммасида Пальма Қарағайнинг севгилиси, деб қараб келинди. Юқоридаги мулоҳазаларга таяниб, биз қарағай ва пальма ўртасидаги муносабатларни ишқий эмас, деган фикрга келдик.

М.Лермонтов пальмани “растет”, яъни ўсмоқда, деб ўгирган. Пальманинг мавжудлиги унинг ўсаётганлигидан нишона, бироқ, бу ерда муҳим нарса унинг ғам чекаётганлигидир. Бироқ, бу ҳолат таржимада “ғамгин”, деб қўлланилгани сабабли, иккинчи режага ўтиб қолган, урғу пальманинг айнан ғам чекаётганига қаратилмаган, муаллиф концепциясига таянилмаган. М.Лермонтов яшаган ва ижод қилган даврда тақлидий шеърлар (“Nachdichtung”) ва таржималар расм бўлган. Шеър шаклига кўпроқ эътибор қаратилган бўлиб, шеърдаги завқ-шавқ, булар “романтизм” даври “байрончилик” йўналишининг мевалари эди. “Ҳар бир таржима асари ўз даврининг маҳсулидир”[3].

Пальманинг аҳволи шеърда битилгандай жуда оғир. У ҳам қарағай каби ёлғиз, бироқ жазирама саҳрода, оламнинг марказидаги чўғдай тош[9] устида ғам чекиб ўтирибди. Ғамнинг кучлилигидан, оёғи остидаги тош ҳам чўғдай қизиган, бошини икки қўли орасига олиб (гарчи бу ҳолат шеърда кўрсатилмаган бўлса ҳам), озиб-тўзиб, қорайиб, кўзлари киртайиб, пешонаси тиришиб, зўрға нафас олиб, ерга тикилганича индамай, адоқсиз ўйга чўмиб ўтирибди. Таржималарда эса уни “сулув”, “гўзал”, “гуллаган”, “келишган пальма” деган номақбул, ярашмаган хушомадлар қилишмоқда. Бу ноўрин сўзларни инсон ақли қабул қила олмайди.

Қарағай ва пальма географик ҳамда бошқа ҳолатларга кўра икки қарама-қарши томонда туришибди: “қарағай”-“пальма”, “шимолда”-“шарқда”, “Европада”- “Осиёда”, “тақир қояда”-“чўл, саҳрода”, “совуқда”- “жазирамада”, “танҳо”-“ёлғиз”, “муз ва қор остида”-“чўғдай тош устида”, “мудрайди”-“ғам чекади”. Ажойиб контраст! Мана буни таъсир кучи деса бўлади! Қойил! Қойил қолмай бўладими, ахир?

Яна битта масала, род категорияси туфайли қарағайни Ф.Тютчев кедр, А.Фет дуб, деб таржима қилишган. Кедр шимолда ўсмаса, эман (дуб) япроқли дарахт бўлиб, тоғ дарахти эмас. Кузда барглари тўкилади. Қор ёғса, қор қўнадиган барглари йўқ, шунинг учун эманнинг устига гилам (таржимада шундай) тўшаш керак бўлади. Эманнинг шакли ҳам қарағайдан кескин фарқ қилади. Шунинг учун қарағай қарағайлигича қолса бўлмайдими? Ўроқбойни Болтабой ёки Тешабой, деб айтиш шартми?

Қарағай—бу Ҳайне. У нима ёзса, ўзини ёзар, ўз шахсий туйғулари, эҳтирослари, севгиси, нафрати орқали табиатни, даврни акс эттирарди. Унинг муҳаббати ва ҳисларида халқ овози янграрди. У инсон озодлиги учун жон куйдирди, халқнинг қонини сўраётган ҳукмдорлар, аслзода ва оқсуяклар билан мурасасиз бўлди, уларни аёвсиз танқид қилди.

Ҳайне гимназияда Вероникани ёқтирган (бироқ, у гимназия ёшида вафот этган), ўсмирлигида Зефхан билан дўстлашган, балоғат ёшида эса Ҳамбургда амакисининг қизи Амалияга кўнгили қўйган. Бу, унинг ҳақиқий севгиси эди. Шу рад этилган муҳаббат туфайли Ҳайне буюк шоирга айланди. Бу жараён Европада кечди. Шоир Яқин Шарққа келмаган, унинг бу ерда ҳеч қандай севгилиси, ҳатто таниши ҳам бўлмаган. Буни шоирнинг таржимаи ҳоли айтиб турибди.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Автор таржимаи ҳоли ҳамда ижоди, ҳаёти билан тўлиқ таниш бўлиш, айниқса таржимада тизимли ёндашишнинг (**таъкид бизники - А.А.**) аҳамияти катта. Ҳайне ўзининг “Қаерда?” (“Wo?”) шеърида ўзга юртда, сарсон-саргардонлик ва мусофирликда кечаётган ҳаётини интиҳоси қаерда содир бўлишини ўйлаб, ўзига ўзи савол беради:

*Бечора дарбадарнинг
Қайда сўнги паккаси?
Қумда, соясида пальманинг?
Ёки тагидами липанинг?*

Бу саволга жавобни Ҳайне Париждаги Монмартр қабристонига топди ва мазкур шеър шоир қабрининг оёқ томонига мрамор плитага ўйиб ёзиб қўйилди, фақат шоирнинг ўлимидан анча кейин, 1901 йилда. Шундай қилиб, Ҳайне на Яқин Шарқдаги пальма (маъшуқасининг) остида, на Рейн бўйидаги жўка тагида вафот этди. Ўзи айтганидек, унга бари бирлиги, қаерда бўлса ҳам Оллоҳнинг паноҳида бўлишлигини айтиб, бундан ташвишланмаслигини таъкидлади.

Мазкур ҳолат бизнинг пальма қарағайнинг маъшуқаси эмас, деган фикримизни тўлиқ тасдиқлайди (**таъкид бизники - А.А.**).

Ҳар бир “Қарағай”га дахлдор асар муаллифлари ўзларининг таржима вариантларини тавсия этишади. Шундай ажойиб анъанадан четда қолмаслик учун ушбу мақола муаллифи ҳам ўз таржимасини ўқувчилар ихтиёрига ҳавола этишни лозим кўрди:

Қарағай

*Қарағай тураб якка,
Тақир қоя, шимолда.*

*Мудрар оппоқ кўрпадек,
Муз ва қорлар қўйнида.
Хаёл қилар пальмани,
Жуда олис, шарқдаги.
Ёлғиз, унсиз ғамдаги,
Қайноқ тош устидаги.*

Бу “матрешка” (Белавин И.О.), “митти айсберг”га (Акбаров А.А.) монанд шеърни ўрганиш учун В.С.Хазиев [9] уни икки, ташқи ва ички қатламга ажратиш лозимлигини айтади. Яъни, ҳаётининг, атрофимиздаги кўриб турган нарсалар—ташқи қатлам; мантиқ, ғоя, фалсафа эса ички қатлам. Ҳамма таржимонлар шу пайтгача шеърнинг ташқи қатламида қалам тебратишган, улар ички қатламга киришмаган, ё асар тили ва мазмунига етарли эътибор беришмаган ёки ҳамма воситачи тил орқали таржимани амалга оширган, ички қатлам ҳақида ўйлаб ҳам кўришмаган, деган фикрга келишимиз мумкин. Натижада барча таржималарнинг мукамаллигига шубҳа уйғонади, чунки бунга шеърни ялпи тўғри тушунмаслик сабаб бўлган.

Шундай ажойиб шеърни ким ёзиши мумкин? Бу, бизни ўйлашга мажбурлайди, жавоб излаймиз. Буюк тилшунос А.Шлегель ва файласуф Гегель маърузаларини тинглаган, уларнинг таълимоти билан яқин ва бевосита таниш бўлган “замонасининг энг ақлли кишиси”гина (К.Маркс) бундай “мўъжиза”ни яратишга қодирдир, деган фикр ялт этиб хаёлга келади. Ҳ.Ҳайненинг шеърини тушуниш учун ўқувчи унинг “ақлий даражаси”да бўлиши лозим, ана шундагина шеърнинг моҳиятини тўғри тушуна олиши мумкин. Бундай имконият эса ҳаммага ҳам берилмаган.

Адабиётлар:

1. Щерба Л.В. Опыт лингвистического толкования стихотворений. “Сосна” Лермонтова в сравнении с ее немецким прототипом. Советское языкознание. ТП. –Л.: Научно-исследовательский институт языкознания, 1936.
2. Генрих Гейне. Книга песен. Переводы русских поэтов. -М.: Госиздат, 1956.
3. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. -Т., 1978.
4. Белавин И.О. Стихотворение М.Ю.Лермонтова “Из Гейне” в свете проблемы поэтического перевода. (К 200-летию М.Ю.Лермонтова) – http://moskvam.rupublikations_1227.html.
5. Heinrich Heine. In fünf Bänden. Erster Band. Gedichte. Aufbau-Verlag Berlin und Weimar. 1970.
6. Генрих Гейне. Лирика. Переводы с немецкого. стр.10. –М.: Госиздат художественной литературы, 1963.
7. Генрих Гейне. Собрание сочинений. Том 1. Книга песен. Трагедии. Ранние стихотворения. –М.: Госиздат худ. литературы, 1956.
8. Ҳайнрих Ҳайне. Ишқий қўшиқлар. А.Шер таржималари. www.kh-davron.uz
9. Хазиев В.С. Герменевтические упражнения над стихотворением Гейне “Fichtenbaum”, Вестник Московского университета. Серия 7. Философия. -№ 6. -2006.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).